where α is the heat transfer coefficient J / m².h. hail; F - fiber surface, m²; $t_x - t_m$ - temperature of hot air and fiber surface, °S; r - is the heat of vaporization, kJ / kg; $\frac{dW}{d\tau}$ - moisture

rate, % / sec or kg / m² h; γ_0 - specific gravity of dry fiber, kg / m³; $\frac{dt}{d\tau}$ - rate of increase in fiber temperature, deg / hour; V - is the volume of the moistened fiber, m³.

The rate of moisture exchange between fiber and humid air or water vapor is determined by the following formula [14]:

$$m \frac{dW}{d\tau} = \beta_k \rho_0 (U_p - U_s) \quad (5)$$

where β_k is the moisture exchange coefficient, ρ_0 - is the dry fiber density; U_p - equilibrium moisture content of the fiber, corresponding to the parameters of air or water vapor, kg / kg of dry fiber; U_s - moisture of the surface layer of the fiber, %.

The rate of moistening m_y^{CP} of the fiber at a given time of the process and the average rate of moistening until the average integral moisture content of the fiber layer reaches from U_1 to U_2 are determined by the following equations [15]:

$$m_y = \frac{dU}{d\tau} \frac{P_k}{F} \quad (6)$$

and

$$m_y^{CP} = \frac{U_2 - U_1}{\tau} \frac{P_k}{F} \quad (7)$$

where $\frac{dU}{d\tau}$ is the rate of moistening, $\frac{U_2 - U_1}{\tau}$ is the rate of the moistening process over time to increase the moisture content of the fiber layer from U_1 to U_2 , P_k is the specific gravity of the fiber, F is the geometric surface of the fiber layer, m².

It is known that the moisture exchange coefficient depends P_k on the average integral value of air temperature, relative humidity and speed, as well as fiber moisture.

The obtained connections allow one to determine the rate and time of fiber moistening [16].

Theoretical research. There have been a number of scientific studies on fiber wetting and recommendations given, effective wetting equipment has not yet been developed. The main reason in this situation is the lack of development of theoretical issues of the process of fiber moistening.

Therefore, this article deals with one of the theoretical issues of the process, the kinetics of fiber moisture.

To establish the relationship between the moisture rate and the moisture content of the fiber, we have proposed using the following differential equations [10,11]:

$$\begin{cases} \frac{dW}{d\tau} = k(B - W)^2 \\ W(0) = W_H \end{cases}$$

$$\frac{dW}{d\tau} > 0$$

$$\frac{d^2W}{d\tau^2} = \frac{d}{dW} (k(B - W)^2) \frac{dW}{d\tau} = -2k(B - W) \frac{dW}{d\tau} < 0$$

here W is the moisture content of the fiber; B is the final equilibrium moisture content of the fiber; W_H is the initial moisture content of the fiber; k - moisture factor, τ - moisture time. By integrating the differential equation, we determined the fiber wetting time and its moisture content.

$$T = \frac{1}{k} \left[\frac{1}{B - W} - \frac{1}{B - W_H} \right] \quad (9)$$

$$W = B - \frac{B - W_H}{k(B - W_H)\tau + 1} \quad (10)$$

The coefficient k is determined on the basis of experimental data using the following formula:

$$k = \frac{\sum_{i=1}^n \frac{W_i - W_H}{(B - W_i)} \tau_i}{(B - W_H) \sum_{i=1}^n \tau_i^2}$$

where τ_i and W_i are experimental indicators of time and humidity.

Experimental technique and analysis.

Experimental tests were carried out to determine the level of adequate representation of the theoretical results obtained during the fiber wetting process. During the experiment, a constant air temperature was maintained at a given level using a contact thermometer in an Uz-7M drying cabinet. The relative humidity was provided by the evaporation of water inside the oven. Having determined the initial moisture content of the fiber, 8 samples were laid out in a thin layer of 40 g on the racks of the drying cabinet. After a while, samples were taken one at a time and their weight was determined. The moisture content of the fiber was calculated using the following formula

$$W = \frac{M_m}{M_T} \cdot 100\% = \frac{M_n - M_s}{M_s} \cdot 100\%$$

where M_m is the moisture content of the sample, M_c is the absolute dry weight, M_H is the fiber weight after moistening, g.

The figure shows the kinetics of fiber moistening at air temperature $t = 53-55^\circ \text{C}$, relative humidity $\varphi = 90-95\%$, fiber density $\rho = 7.0 \text{ kg/m}^3$ and 12.5 kg/m^3 .




Fig 1. Kinetics of fiber hydration
1 - experimental; 2- calculated

The analysis of the results obtained allowed us to draw the following conclusions:

- humidification of the fiber with humid air, i.e. the sorption process is very slow. Experiments have shown that in 3.2 minutes the moisture content of the fiber at a density at 7.0 kg / m^3 increased by 1.51% and by 1.44% at 12.5 kg / m^3 ;
- it was found that the density of the fiber significantly affects the temperature of moisture, with an increase in the density of the fiber, the moisture slows down;
- comparative analysis of the obtained experimental and calculated data showed that the formulas of the proposed kinetics of fiber moistening adequately reflect the moistening process. The difference between experimental and calculated results is 6.3%;

- in connection with the impossibility in the technological process of primary processing of cotton to moisten the fiber for 3-4 minutes, the insufficient effect of moistening the fiber due to sorption, we consider it expedient to use other methods of moistening.

References:

1. Paxtani dastlabki ishlashni muvofiqlashtirilgan texnologiyasi. PDI 30-2017.
2. R.A.Gulyayev. dok. diss. «Metodi sozdaniya kompleksnoy texnologii uvlajneniya xlopka-sirsa i xlopkovogo volokna na xlopkoochistitelnix zavodax» 2016g
3. R.A.Gulyayev. Metodi sozdaniya kompleksnoy texnologii uvlajneniya xlopka-sirsa i xlopkovogo volokna na xlopkoochistitelnix zavodax// doktor. diss. na sois.uch. step. d.t.n., Tashkent, 2016
4. R.A.Gulyaev. New humidification technology developed for uzbek gins. // The cotton yearbook. SSHA. 2015god
5. Cotton: WorldStatistics. Bulletin of the International Cotton Advisory Committee, NY, November 2015. <http://www.ICAC.org>.
6. R.A.Gulyaev. Ginning Industry: Priorities and prospects // Cotton Outlook, Special Feature, October 2014. -p. 20-22
7. S.Gordon and Y-L. Hsieh, "Cotton: Science and technology", Woodhead Publishing Limited, Cambridge, 2007, pp.4.
8. R.Freytag, J.Donze. -J. (1983). Alkali Treatment of cellulose fibers, in Handbook of fiber science and technology: Volume 1, Chemical Processing of fibers and fabrics, Fundamentals and Preparation, Part A Marcel Dekker, NY, pp.94-120.
9. H.R.Huwyler and others. (1979). Changes in the composition of cotton fiber cell walls during development. Planta 146, 635-642.
10. D.A.Goring, T.E.Timell. (1962). Molecular weight of native cellulose, TAPPI, 45, 454-460.
11. M.Figini. (1982). Cellulose and other natural polymer systems, Biogenesis, structure and degradation. 243-271, Plenum Press, NY.
12. L. Bolls. Izlucheniye kachestva xlopka – Moskva: Gizlegprom – 1938g
13. X. U. Usmonov svetovaya i elektronnyaya mikroskopiya strukturnix prevrasheniy xlopka. Tashkent-1962 g.
14. B.A.Posnov. diss. Obobshchennoye urovneniye skorosti protsessov teplo i massoobmena tverdix teplo razlichnoy formi v regul'yarnom rejime JTF,-1962 g.
15. A.E.Lugachev and others. "Methods of the integrated technology for humidifying seed cotton and cotton fiber at cotton ginners" III Tashkent international innovation forum TIIF-2017 "From innovative ideas to innovative economy" Bremen cotton institute, 5.10.2017 y. 237-244 pages, №1.
16. A.E.Lugachev and others. "Uzbek cotton: competitive advantages and achievements in cotton science" 33rd International cotton conference Bremen. 2016 y. 1-9 pages.
17. A.V.Likov. Teplomassoobmen spravochnik. M.: EnergiY.- 1978.
18. S.G.Mixlin. Chislennaya realizatsiya variatsionnix metodov.-M.: Nauka.-1966.

З.Ш.Исламова, А.А.Миратаев, К.М.Расулова, И.А.Набиева

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Аннотация. Мақоладда жун толали матода бўёвчи моддани толада синтез қилиш йўли билан бўяш технологиясини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Жун толали матони бўяшда сувда эримайдиган азобўёвчи моддалар билан целлюлоза толали материалларни бўяш жараёнида қўлланиладиган азоташикл этувчи сифатида ишлатиладиган кератини макромолекуласи таркибида ароматик гидроксил гуруҳ тутган аминокислота – триозиндан фойдаланилган. Таққослаш учун олинган табиий ипак, ҳамда ип газламани совуқ усулда сувда эримайдиган азобўёвчи модда билан бўяш жараёни ҳам ўрганилган. Маҳаллий жун толали материалларни сувда эримайдиган азобўёвчи моддалар билан совуқ усулда бўяшнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган. Бунда жун толали матони Диазол гишт ранг О – бўёвчи модда эритмаси билан $pH=6-8$ бўлган муҳитда бўяш орқали матонинг физик-механик хоссаларига салбий таъсир этмаган ҳолда сувли ишловлар ва ишқаланишга мустаҳкам бўлган турли тусдаги ранглар олинган. Рангининг L^* , a^* , b^* ранг майдонидаги ўрни аниқланган, ранг туси, тўйинганлиги ва ёрқинлигининг бўяш жараёни муҳитига (pH) боғлиқлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Маҳаллий жун толалари, кератин, оқсил муми, ранг интенсивлиги, эритма муҳити – pH , азо бўёвчи моддалар, азокўшилиш реакцияси, ранг координатаси.

Аннотация. В статье приведены результаты научных исследований по изучению технологии крашения ткани из шерстяного волокна методом синтеза красителя в волокне. При крашении ткани из шерстяного волокна использован триазин – являющийся аминокислотой, содержащей в составе макромолекуле кератина ароматическую гидроксильную группу, который используется в качестве азосоставляющего при крашении целлюлозосодержащих волокнистых материалов нерастворимыми азокрасителями. Для сравнения изучены процессы крашения натурального шелка и хлопчатобумажной ткани нерастворимыми азокрасителями холодным способом. Разработана ресурсосберегающая технология крашения текстильных материалов из местных шерстяных волокон нерастворимыми азокрасителями холодным способом. При этом крашением ткани из шерстяного волокна красителем Диазодь оранжевый О при $pH=6-8$ получены окраски различных тонов, устойчивых к мокрым обработкам и трению, с сохранением физико-механических свойств ткани. Определено место цвета в цветовой площади L^* , a^* , b^* . Показана зависимость цветового тона, насыщенности и светлоты окраски от pH среды крашения.

Ключевые слова: Местные шерстяные волокна, кератин, воск белка, интенсивность окраски, среда раствора – pH , азокрасители, реакция азосочетания, координата цвета.

Abstract. The article presents the results of scientific research on the study of the technology of dyeing fabric from woolen fiber by the method of dye synthesis in fiber. When dyeing woolen fiber fabric, we used triazine, which is an amino acid containing an aromatic hydroxyl group in the keratin macromolecule, which is used as an azo component when dyeing cellulose-containing fibrous materials with insoluble azo dyes. For comparison, the processes of cold dyeing of natural silk and cotton fabric with insoluble azo dyes were studied. A resource-saving technology for dyeing textile materials from local woolen fibers with insoluble azo dyes in a cold way has been developed. At the same time, dyeing a fabric made of woolen fiber with Diazod orange O dye at $pH = 6-8$ obtained colors of various tones that are resistant to wet treatments and friction, while maintaining the physical and mechanical properties of the fabric. The place of the

color in the color area L^* , a^* , b^* is determined. The dependence of the color tone, saturation and lightness of the color on the pH of the dyeing medium is shown.

Key words: Local wool fibers, keratin, protein wax, color intensity, solution medium - pH, azo dyes, azo coupling reaction, color coordinate.

Қўйиш. Жун толаси қадимдан инсонларнинг асосий кийиниш воситаси бўлиб, ҳозирги кунга қадар тўқимачилик саноатида ўзининг тенгсиз хоссалари сабабли кенг истеъмол маҳсулоти сифатида қўлланилиб келинмоқда. Буғ ва ҳаво ўтказувчан, сув ютиш ва изоляция хусусиятларга эга бўлган жун толалари майиш ва техник тўқимачилик материаллари ассортиментларини кенгайтиришда тенгсиз толали ҳам ашё ҳисобланади. Ҳозирги кунда Республикада «Ўзчармсаноат» уюшмаси тасарруфидаги 40 га яқин корхоналар жун етиштириш билан шуғулланмоқда. Бу корхоналар томонидан 2018 йилда 28 минг тонна жун ва мўйнали маҳсулотлар тайёрланган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 35 минг тоннага етган [1]. Республикада жун, шу жумладан юқори сифатли жун толаларини тайёрлашни ривожлантириш ва ҳажмини ошириш борасида 2021-2023 йилларда чорвачилик хўжаликларида Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш, бунда 2021 йилдан бошлаб чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар томонидан «меринос» зотли қўй ҳамда «ангор» зотли эчкилар етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар ўрнини қисман қоплаш кўзда тутилган [2]. Шу билан бирга ҳукуматимиз томонидан жун ҳам ашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича соҳа вакиллари олдига вазифалар қўйилган [3]. Бу вазифаларни ҳал этишда республикада тайёрланадиган жун толасини кимёвий пардозлаш – бўйаш технологияларини яратиш, бунда юқори колористик кўрсаткичларга эришиш билан бир қаторда толанинг қимматбаҳо хоссаларини сақлаб қолиш муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жониворлардан олинадиган толалар ичида қўй жуни саноатда юқори сифатли ҳисобланади ва у муҳим аҳамиятга эга бўлган тўқимачилик материалдир. Бу тола қатор камчиликларга эга, яъни ўлчамларининг барқарор эмаслиги, мато юзасида турли букланишларни ҳосил бўлиши. Киришишидан қатъий назар жун толасидан тайёрланган юпка камвол матолари эксклюзив кийим-кечаклар тайёрлашда кенг қўламда ишлатилади [4]. Ҳозирги кунда жун толали матоларга турли нанокөмпозицион материаллар билан ишлов бериш орқали уларни ҳарорат ва атроф-муҳит таъсирида ўзгаришини, сорбланиш ва буғ ўтказиш хусусиятларини бошқариш мумкин [5]. Жун толали материалларнинг қатор технологик ва истеъмолчилик хоссалари маълум даражада тола кутикулси (тола юзасидаги тангачасимон қатлами) тузилиши билан боғлиқдир. Кутикулнинг тузилиши жунни тигизланиш қобилиятини, сув ва бошқа технологик эритмалар билан ҳўлланишини, бўёвчи модда диффузияси ва бошқа шу каби хусусиятларини таъминлайди. Шу билан бирга паст ҳароратларли ишлов бериш шароитларида жун толасига таъсир этиш минимал даражада бўлсада, бўйаш жараёнлари давомийлигининг чўзилиб кетиши равон ва мустаҳкам ранглار олишни қийинлаштиради. Жун тола асосидаги тўқимачилик материалларини ишлаб чиқаришда уларга бирламчи ишлов беришдан то матони охорсизлантиришгача – пардозлаш жараёнларининг деярли барчаси ҳўл ишловлар асосида олиб борилади [6]. Ҳўл ишлов бериш жараёнларида жун толали материалларнинг деформацион хоссаларида ўзига хос ўзгаришлар юз беради. Жун толали материаллардаги бундай ўзгаришларни ишлов бериш жараёнларини турли рН-муҳит ва ҳароратларда олиб бориш орқали бошқариш мумкин. Маълумки жун толали материалларни бўйаш жараёнини қайнаш ҳароратида олиб борилганда кератиннинг макромолекуляр тузилиши бузилади ва тола дағаллашиб қолади. Шу боис жун толали тўқимачилик материалларини бўйашнинг паст ҳароратда олиб бориладиган янги технологияларини яратиш уларнинг физик-механик хоссаларини имкон қадар сақлаб қолиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментларини янгилаш ва ресурстежамкорлик борасида долзарб муаммо ҳисобланади [7]. Бу йўналишда бўёвчи моддани толада синтез қилиш, яъни толали материалларни совук

усулда – сувда эримайдиган азобўёвчи моддалар билан бўяш технологиялари маълум.

Бу бўёвчи моддалар бўяш жараёнида ранг бўёвчи модда тола ғовакларидида иккита оралиқ маҳсулотдан пигмент ҳолида ҳосил (синтез) бўлиши билан бошқа синф бўёвчи моддаларидан ажралиб туради. Оралиқ маҳсулотлар: азо- ва диазо ташкил қилувчилар бўлиб, улар орасида паст ҳароратда азоқўшилиш реакцияси содир бўлади. Азо бирикмалар кучли ишқорий шароитда эрувчан бўлгани сабабли бу синф намоёндалари асосан целлюлозали матоларни бўяш ва уларга гул босишда ишлатилади. Азоташкил этувчилар - азотоллар бўлиб, улар ароматик оксибирикмалардир. Диазотирланган ароматик аминлар эса диазоллар синфини ташкил этади.

Бўяш жараёнида матога азотолнинг ишқорий эритмаси шимдирилади, сўнгра диазол эритмаси билан ишлов берилади. Бу жараён азоқўшилиш реакцияси бўлиб, шунда сувда эримайдиган азопигмент ҳосил бўлади. Азотол эритмалари кучли ишқорий шароитда бўлганлиги сабабли бу усул асосан пахта толали матоларга қўлланилиб, жониворлар асосидаги матоларга қўллаш имкони бўлмаган. Лекин бу бўёвчи моддаларнинг ресурстежамкорлиги ва ҳосил бўладиган рангларнинг ҳўл ишловларга турғунлиги сабабли уларни жун матоларини бўяшда қўллаш бўйича қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган [8].

Аммо бу усулларнинг барчасида жун толасининг деструкцияланиши, жараёни мураккаблиги ёки юқори колористик хоссали рангларни олиб бўлмаслиги мазкур тадқиқот натижаларини кенг тарқалишига имкон бермаган. Мазкур илмий иш дорирасида маҳаллий жун толали материалларни совуқ усулда бўяшнинг янги усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.


Услубий қисм. Жун ва таққослаш мақсадида олинган табиий ипак, ҳамда пахта толали мато намуналарини икки босқичли усулда - азотоллаш ва азоқўшилиш реакциялари асосида бўяш қуйидаги технологик кетма-кетлик бўйича амалга оширилди: пардозлашга тайёрлаш жараёнларидан ўтган мато намуналарига таркибида 14 г/л Азотол ОА*, 35 г/л ўювчи ишқор (35%-ли) ва 1 г/л диспергатор бўлган эритма билан 80-85⁰С ҳароратда 30 дақиқа давомида ишлов берилади. Намуналар 100% даражада сиқилиб, таркибида сирт фаол модда бўлган диазоташкил** этувчининг (10 г/л) рН=7 га тенг бўлган эритмасида 10-15⁰С ҳароратда 10-15 дақиқа давомида азоқўшилиш жараёни амалга оширилади. Жараён тугагач намуналар 80⁰С ҳароратдаги техник ювиш воситаси эритмасида 10-15 дақиқа давомида ювилади. Сўнгра совуқ ва иссиқ сувда намуналар ювилиб, қуригилади. Намуналарни бир босқичли усулда бўяш фақат диазоний тузи эритмасида азоқўшилиш реакциясини амалга ошириш орқали бажарилади.

*Азотол ОА этил спирти билан то паста ҳолигача эзгиланиб, устига аралаштирилган ҳолда совуқ сув қўшилди. Азотол эритмаси 10-15 минутдан сўнг 0,4%-ли NaOH эритмасига 20 мл/дм³ миқдордаги 50%-ли ализарин мойи қўшилишидан ҳосил қилинган аралашмага қуйилди. **Диазоташкил этувчи сифатида тадқиқотларда сувда эриганда азоқўшилиш реакциясига кириша олувчи турғунлаштирилган диазокатион – Диазоль гиштранг О ишлатилди.

Намуналарнинг ранг сифат кўрсаткичлари “Kor-Uz Textile Technopark” илмий лабораториясида X-Rite Ci7800 [9], эритмаларнинг рН кўрсаткичи эса Wissenschaftlich-Technische Werkstätten (WTW) pH3210 SET2 қурилмаларида аниқланган. Бўялган намуналарнинг терга, ювишга ва ишқаланишга бўлган мустаҳкамлиги мос равишда ГОСТ ISO 105-E04:2013, ГОСТ ISO 105-010:2006 ва ГОСТ 9733.27-83 бўйича аниқланган. Кератиннинг деструкцияси [10] методика бўйича аниқланган.


Тажриба натижалари таҳлили. Жун толасининг асосини оксил модда – кератин ташкил этади. Бу тола жуда мураккаб тузилган бўлиб, кератиннинг асосини амин гуруҳлар ҳосил қилади. Толанинг ҳамма қатламлари, асосан, хужайрасининг таркиби, шакли ва ўлчамлари билан фарқланувчи кератиндан ташкил топган. Жун толаларида оксил ва оксил бўлмаган моддалар бўлиб, улар тасодикий чиқиндилар, целлюлозали моддалар, оксил муми ва туз аралашмалари ҳисобланади [11, 12]. Мазкур ишда ювиш жараёнидан [13] ўтган

жун мато ва таққослаш учун олинган табиий ипак, ҳамда ип газламани совуқ усулда сувда эримайдиган азобўёвчи модда билан бўйаш жараёни ўрганилди. Целлюлоза ишқор таъсирига бардошли, аммо оксил толали материаллар ишқорий муҳитда ҳарорат ва ишқор концентрациясига боғлиқ равишда деструкцияга учрайди. Шу сабабли тажрибаларни биринчи босқичида турли рН муҳитда намуналарнинг ранг интенсивликларини тола деструкцияси билан мутаносиблиги ўрганилди (1-расм).




1-расм. Намуналар ранг интенсивлигининг бўйаш жараёнининг рН муҳитига боғлиқлиги

Келтирилган маълумотлар ип газлама бўйланган шароитда, яъни рН=11-12 бўлган муҳитда оксил толаларини тўлиқ деструкцияга учрашини кўрсатмоқда, яъни пептид боғларнинг ишқор таъсирига чидамизсизлиги сабабли оксил интенсив гидролизга учраган. Ип газламаларда юқори интенсивликдаги рангларни ҳосил бўлганлиги ишқорий шароитда азотолнинг карбомид гуруҳини еноль формага айланиб целлюлозага мойиллик намоён қилиши [14] билан боғлиқ:



Аммо ишқорнинг бир қадар кичик концентрацияларида ҳам кератин тўлиқ эриб кетади. рН=10 бўлган шароитда бўйланган жун матосининг деструкция даражаси 32%-га тенг. Демак, азотоллаш жараёнида агрессив ишқорий муҳит жун хоссаларига салбий таъсир этади. Ишқор нафақат кўндаланг ҳар хил зарядланган молекулалар орасидаги боғлар, хатто цистин боғларга ҳам таъсир кўрсатади, у қуйидагича узилади:




Ишқор таъсирида жуннинг механик хоссаси ҳам ёмонлашиб, у сарғаяди, таркибида олтинугурт миқдори камаяди, бу ўзгаришларнинг даражаси таъсир этиш ҳарорати, давомийлиги, ишқор характери ва унинг концентрациясига боғлиқ.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда кейинги тадқиқотларда сувда эримайдиган азобўёвчи моддалар билан намуналарни фақат иккинчи босқичда, яъни кучсиз кислотали – нейтрал – кучсиз ишқорий шароитларда бўяш имкониялари ўрганилди. Целлюлоза макромолекуласида диазол билан азоқўшилиш реакциясига кириша оладиган ароматик гидроксил гуруҳларининг йўқлиги сабабли Азатол ОА билан шлов берилмасдан фақат Диазоль билан бўялган пахта толали мато умуман бўялмаганлигини 2-расмда келтирилган намуналарда кўриш мумкин. Кератин ва фиброин таркибида мос равишда 6,1 ва 12,8% триазин аминокислотасининг борлиги сабабли оксил толаларида интенсив ранглар ҳосил бўлган.



ип газлама



табiiй ипак матоси



жун матоси

2-расм. Бир босқичли усулда Диазоль ғишт ранг О билан бўялган намуналар


Бир босқичли усулда жун толали матонинг ранг сифат кўрсаткичларига бўяш жараёни рН муҳитининг таъсирини ўрганиш мақсадида ювиш ва рангсизлантириш [15] жараёнларидан ўтган мато намунаси таркибида Диазоль ғиштранг О ва сирт фаол модда бўлган эритмада бўялди. Фақат азоқўшилиш реакцияси орқали бўялган намуналарнинг колористик хоссалари ва жун матонинг физик механик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.


Азоқўшилиш жараёни рН муҳитининг жун мато ранг интенсивлиги ва мустаҳкамлигига таъсири

Азоқўшилиш жараёни рН муҳити	Жун мато намуналари	Ранг интенсивлиги, K/S	Ранг туси, h*
4		1,87	68.64
5		2,25	68.92
6		3,43	69.47
7		4.05	70,25
8		1.92	75,1
9		0.40	74.42
10		0.18	73,52

Ишлов бериш муҳитига кўра жун матосида оч сарикдан то тўқ сарикгача бўлган ранглар ҳосил бўлди. Кучсиз кислотали муҳитда жун толасида деярли ўзгариш кузатилмайди. Шунинг учун ҳам бу шароитда нейтрал ва кучсиз ишқорий муҳитда бўялган намунадаги ранглардан интенсивлиги ва ранг туси паст қийматларга эга ранглар ҳосил бўлган. Ундан ташқари кучсиз кислотали, нейтрал ва кучсиз ишқорий муҳитларда диазокатион ($ArN_2^+ + HX$) концентрацияси юқори бўлиб, аминогуруҳ бензол ҳалқасининг фаоллигини камайтирадиган аммонийгуруҳига ($ArN^+H_3X^-$) тўлиқ айланмайди:



Азоқўшилиш реакциясига киришадиган фаол ароматик ҳалқа



Азоқўшилиш реакциясига киришмайдиган фаол бўлмаган ароматик ҳалқа

Ранг характеристикаларини системалаштириш учун ранг доира системаси ва L.a.b. ранг моделидан фойдаланилди. Географик координаталар – кенглик, узунлик ва баландлик каби L^* , a^* и b^* ранг қийматлари рангни қаерда жойлашгани ва у хақидаги маълумотни беради. L^* координатаси ранг ёрқинлигини, C^* - рангнинг тўйинганлигини, h – ранг тусини, a^* - қизил ёки яшил рангнинг мавжудлигини, b^* - сариқ ва кўк ранг мавжудлигини билдиради. Диазол ғиштранг О билан бўялган жун толали мато ранг характеристикалари D₆₅ стандарт нурланишда лаборатория колориметрида аниқланди. Намуналарнинг ғишт рангда бўлганликлари сабабли бу рангнинг қўшимчаси кўк-яшил ранг ҳисобланиб, у ранг координатасида 480-510 нм тўлқин узунлигида номоён бўлади. Шу сабабли намуналарнинг ранг характеристикалари 500 нм тўлқин узунликда аниқланди, олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал.

Жун толали мато ранг кўрсаткичларининг бўяш эритмаси рН муҳитига боғлиқлиги

рН-муҳит	Ранг ёрқинлиги, L^*	Ранг тўйинганлиги, C^*	Ранг координаталари	
			a^*	b^*
10	48,71	42,35	35,61	74,55
9	49,18	43,28	33,65	72,31
8	50,12	45,78	32,13	70,18
7	54.49	45,74	25.32	62.23
6	57.57	41,06	23.31	60.51
5	58.97	32,36	22.78	58.24
4	59.41	36,15	15.08	54.10

Бу намуналарда b^* координата сариқ томондан кўк ранг томонга силжишини, шунингдек a^* координата яшил томонга силжиганлигини кўришимиз мумкин. Ранг туси спектрдаги ранг ўрнини белгилаб, у рангнинг асосий тавсифи ҳисобланади. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кучсиз кислотали шароитда рангнинг тўйинганлигини камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу намуналардаги ранг тўйинганлик даражаси кучсиз кислотали муҳитда рангларни L^* , a^* , b^* ранг майдонида марказий ўқга яқинлашганилигини билдирыпти, яъни бунда ранг тозалиги камайиб боради, бу ҳолат эса жунни табиий ранги билан боғлиқдир.

Тадқиқотларда азоташкил этувчи вазифаси жун тола оқсили, яъни кератин макромолекуласидаги триазин аминокислотасининг қолдиғи томонидан бажарилади. Диазоль О нинг кератин макромолекуласидаги тирозин аминокислотаси билан азоқўшилиш реакциясини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Ишқорий муҳитда b^* координата қиймати кўк тарафдан сариқ томонга, шунингдек a^* координатасида ранг қизил томонга кучсиз кислотали муҳитдагига нисбатан кўпроқ ҳаракатланган. Кучсиз ишқорий муҳитда ранг интенсивлиги ва тўйинганлигини юқорилиги триазинни ишқорий муҳитда ионлашиши билан боғлиқдир. Яъни феноллар азоқўшилиш реакциясига юқори реакцион қобилятга эга бўлган ионлашган ва ионлашмаган $Ar-O^-$ -

феноль шаклида киришади. Бу ҳолат тажрибаларнинг биринчи босқичида, яъни олдин Азотол ОА нинг ишқорий эритмаси, сўнгра нейтраль шароитда диазол эритмаси билан ишлов берилган тажрибаларда ҳам ўз тасдиғини топган.

Азоташқил этувчи сифатида кератин макромолекулсидаги триазин аминокислотасининг қўлланилиши жун толасида фақат диазо ташқил этувчи билан ранг ҳосил бўлиш имконини беради. Яъни азоқўшилиш реакцияси гидроксид бирикма ва диазоний тузи орасида кечади. Бу усул билан ҳосил қилинган рангларнинг ҳўл ва курук ишловлар таъсирига мустаҳкамлиги кул ранг эталон бўйича юқори, мато намуналарининг физик-механик хоссалари ёмонлашмаган (3-жадвал).

3-жадвал.

Диазол ғишт ранг О билан бўялган мато мустаҳкамлиги ва ранг мустаҳкамлигининг бўяш эритмаси муҳитига боғлиқлиги

Бўяш эритмаси муҳити, pH	Намуналарнинг узилишга мустаҳкамлиги, Н	Ранг мустаҳкамлиги, балл		
		ювишга	терга	ишқаланишга
10	3.2	5/5/5	4/5/5	4/5
9	7.0	5/5/5	4/5/5	4/5
8	8.1	5/5/5	4/5/5	4/5
7	9.4	5/5/5	5/5/5	5/5
6	9.7	5/5/5	5/5/5	5/5
5	10.4	5/5/5	5/5/5	5/5
4	10.9	5/5/5	5/5/5	5/5

Тажриба натижалари намуналарнинг физик-механик кўрсаткичларига (pH) жараён муҳитининг таъсир этишини кўрсатди, яъни кучсиз кислотали шароитда намуналарнинг узилишга бўлган мустаҳкамлиги жараён нейтрал ва кучсиз ишқорий муҳитда олиб борилгандагига нисбатан юқори қийматга эга. Таклиф этилаётган усул иқтисодий томондан қулай. Бўяш жараёни нейтрал ва кучсиз кислотали муҳитда олиб борилганлиги сабабли жун толасининг мустаҳкамлиги пасаймайди.

Хулоса. Маҳаллий жун толали материалларни сувда эрмайдиган азо бўёвчи моддалар билан совуқ усулда бўяшнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилди. Бунда жун толали матони Диазол ғишт ранг О эритмаси билан pH=6-8 бўлган муҳитда бўяш орқали матонинг физик-механик хоссаларига салбий таъсир этмаган ҳолда сувли ишловлар ва ишқаланишга мустаҳкам бўлган турли тусдаги ранглар олинган. Рангнинг L^* , a^* , b^* ранг майдонидаги ўрни аниқланган, ранг туси, тўйинганлиги ва ёрқинлигининг бўяш жараёни pH муҳитига боғлиқлиги кўрсатилган.

References

1. <http://uzcharm.uz/ru/obsuzhdeny-perspektivy-promyshlennoy-pererabotki-shersti> 29 October 2020.
2. Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 26 sentabrdagi 590-son qarori «Vazirlar Mahkamasining «Chorvachilik tarmog'iga davlat tomonidan subsidiya ajratishni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida» 2020 yil 12 maydagi 280-son qaroriga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida».
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 2 sentabrdagi PF-6059-son Farmoni «O'zbekiston Respublikasida pillachilik va qorako'lchilikni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida».

-
4. N. A. G. Johnson, I. M. Russell. In Handbook of Advances in Wool Technology. Woodhead Publishing Series in Textiles: New York, 2009; Chapter 7. p. 147.
 5. Korkmaz Memiş, N., Kaplan, S. Dual responsive wool fabric by cellulose nanowhisker reinforced shape memory polyurethane /Journal of Applied Polymer Science. Volume 137, Issue 19, 15 May 2020, DOI: 10.1002/app.48674.
 6. D.M. Darvish, YE.S. SObkallo, Aksakal Baki, S.P. Foshkina/ Osobennosti deformatsionnix svoystv uvlajennogo sherstyanogo volokna. Tekhnologiya tekstilnoy promishlennosti. 2008. №2 (306) C.39-43.
 7. N. Aitova, A.A. Burinskaya, S.F. Grebennikov. Izmeneniye strukturi i elektrokineticheskix svoystv sherstyanogo volokna v protsesse nizkoterperaturnogo krasheniya s ispolzovaniyem okislitelno-vosstanovitelnoy sistemi. Vestnik TvGU. Seriya: XimiY. 2017. № 3. C.58 -64.
 8. V.G.Kostromina, V.N.Shekurov, A.S.Lazko, L.A.Chechenev. Patent RF № 2110632, opubl. 10.05.1998, L.I.Tarakanova, V.V.Safonov, K.I.Kobrakov, G.S.Stankevich. Patent RU 2462544, opubl. 27.09.2012.
 9. Compyuter color matching system operation and maintenance manual. Korea industrial technology ODA. 2012. P.79.
 10. M.Z.Abdukarimova, I.A.Nabiyeva, G.X.Ismoilova To‘qimachilik mahsulotlarini pardoqlash kimyoviy texnologiyasi fanidan laboratoriya va amaliy mashg‘ulotlar uchun o‘quv qo‘llanma.– T.: TTESI, 2015. – 58 b.
 11. I.A. Nabiyeva, Islomova Z.SH., Adashov M.I. Izucheniye effektivnosti protsessa promivki sherstyanix volokon. Sbornik nauchnix statey “Tekstilnaya ximiya: Traditsii i novatsii-2019” Melnikovskiy chteniY. g. Ivanova-2019. S.94-97.
 12. I.A.Nabiyeva, Islomova Z.SH., I.I.Tuychiye, A.O.Axunbabayev, Z.I.Axmedova. To‘qimachilik sanoati uchun mahalliy jundan ip kalava olish innovatsion texnologiyasini ishlab chiqish. “Ilm-fan va innovatsion rivojlanish” ilmiy jurnal / Toshkent-2020 №3 120-127 b.
 13. Islomova Z.SH., A.A.Miratayev, I.A.Nabiyeva. Jun tolasini yuvishning samarali usuli. «Kompozitsion materiallar» Ilmiy-texnikaviy va amaliy jurnal. O‘zbekiston – 2019. - №1. – 103-105 b.
 14. G.YE. Krichevskiy. Ximicheskaya texnologiya tekstilnix materialov. Tom 2. kolorirovaniye tekstilnix materialov. M.: Legprombitizdat, 2001. 540 s.
 15. SH.Islomova, I.A.Nabiyeva A.A.Miratayev Izucheniye protsessa obessvechivaniya sherstyanogo volokna Nauchno-metodicheskij jurnal «Vestnik nauki i obrazovaniya» – Moskva, № 13 (49) (sentabr 2018 g.) – Izd. “Problemi nauki”. – 2018. – S. 41-44.

**БАМБУК-ПОЛИЭФИР ТОЛАЛАРИ АРАЛАШМАСИ МАТОНИ БЎЯШ
ИМКОНИАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Н.И.Норкулова, М.Ш.Хасанова, М.Б.Ирматова, И.А.Набиева

Tashkent Textile and Light Industry Institute

Аннотация. Мақолада таркибида 80% бамбук ва 20% полиэфир толалари бўлган матони дисперс ва бевосита бўёвчи моддалар билан бир эритмали усулда бўяш жараёни ўрганилган. Бўяш эритмасига полиэфир толасини дисперс бўёвчи модда билан бўяш жараёнида интенсификатор сифатида катонактив сирт фаол модда қўлланилган. Катионактив сирт фаол модда бўяш жараёнида атмосфера босимида олиб бориш, ҳар иккала тола ташиқил этувчиларда бир хил интенсификацияда текис – раван ранг ҳосил қилиш ва бамбук толасини бевосита бўёвчи модда билан бўяш босқичида электролит сарфини камайтириш имконини берган.

Калит сўзлар: бамбук, полиэфир, бевосита ва дисперс бўёвчи модда, бўяш, сирт актив модда, интенсификатор, электролит

Аннотация. В данной статье исследован процесс крашения смешанного материала на основе бамбуковых полиэфирных волокон в соотношении 80/20 дисперсными и прямыми красителями. При крашении дисперсными красителями полиэфирного волокна в качестве интенсификатора было использовано катионактивное поверхностно активное вещество. Проведение процесса крашения с использованием катионактивных поверхностно активных веществ, под атмосферным давлением позволило возможность получения интенсивной и гладкой окраски в обоих волокнистых компонентах, и снизить расход электролита во время процесса крашения бамбукового волокна прямыми красителями

Ключевые слова: бамбук, полиэфир, прямой и дисперсный краситель, поверхностно активное вещество, крашение, интенсификатор, электролит

Annotation. This article investigates the process of dyeing a mixed material based on bamboo polyester fibers in a ratio of 80/20 with dispersed and direct dyes. When dyeing polyester fiber with dispersed dyes, a cationic surfactant was used as an intensifier. Carrying out the dyeing process using cationic surfactants under atmospheric pressure made it possible to obtain an intense and smooth color in both fibrous components, and to reduce the consumption of electrolyte during the process of dyeing bamboo fiber with direct dyes

Key words: bamboo, polyester, direct and dispersed dye, surfactant, dyeing, intensifier, electrolyte

Қириш. Ҳозирги кунда истеъмолчилар томонидан тайёр кийимга бир қатор талаблар, яъни кийимни юриш-туришда, дам олишда, ишлашда қулай бўлиши, ўлчамлари ва ранглари ўзгармаслиги, бир неча бор ювиш ва кимёвий тозалашга чидамли бўлиши талаб этилмоқда. Қўйилган талабларга турли толалар аралашмасили матолардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин, яъни турли табиатдаги толалар аралашмасили тўқимачилик материалларидан исталган хоссаларга эга бўлган, ажойиб хусусиятлари ўзаро уйғунлашган кийимларни тайёрлаш мумкин. Бу борада кўплаб фирмалар томонидан таркибида пахта ва полиэфир толалари бўлган мато ассортиментлари таклиф этилган бўлиб, уларда ҳар бир толанинг ижобий физик-механик ва эксплуатацион хоссалари мужассамлашган. Бу матолар пахта толасидан ҳаво ўтказувчанлик, гигроскопиклик, нам ютиш каби хоссалар, полиэфир толасидан эса кам киришувчанлик, деформацион хоссалар, ғижим бўлмаслик, шакл сақлаш каби қатор хоссалар билан таъминланади. Аммо пахта толасини етиштириш ва тайёрлаш жараёнларидаги мураккабликлар, кўп ҳолатларда унинг сифати ва ҳажмини иқлим шароитига боғлиқлиги, кўп миқдорда сувни сарфланиши аралаш толали матолар ассортиментини кенгайтириш имкониятларини чеклаб қўймоқда, ундан ташқари маҳсулот таннархини ошишига сабаб бўлмоқда. Пахтанинг ўсув даври ўртача 125


кунни ташкил этади. тукли 1 тонна уруғлик чигитни намлаш учун 600 литр сув сарфланади, ғўзанинг ўртача кунлик сув сарфи шоналаш даврида 20-25 м³/га, гуллашда 50-60 м³/га, ҳосил тўплашда 80-90 м³/га ва пишиш бошида 40-45 м³/гани ташкил этади, 1 тонна пахта ҳосили учун ғўза ўртача 55-60 кг азот, 20-25 кг фосфор ва 50-60 кг калийни тупроқдан ўзлаштиради [1]. Пахта толасини бамбук толаси билан алмаштириш орқали юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мумкин. Бамбук толаси нисбатан янги тола ҳисобланиб, у целлюлозадан ташкил топган. Олимлар томонидан бамбук толасининг бир қатор хоссалари пахта толаси билан таққосланиб, унинг афзаллик ва камчиликлари аниқланган. Бамбук толали матонинг капиллярлиги пахта толалига нисбатан 38,5%, сув ютиш қобилияти 21,36%, ҳаво ўтказувчанлиги эса 10% юқори [2]. Табиий толалар ичида ишлаб чиқарилиш ва қўлланиш ҳажми бўйича бамбук бешинчи ўринда туради. Фақат бамбук толасидан тайёрланган матогина 200 - 400 нм тўлқин узунлиқдаги ультрабинафша нурларни мутлақо ўтказмайди. Айнан шу тўлқин узунлиқдаги ультрабинафша нурлар инсон танасига максимум зарар етказди. Бамбук толаси ўзининг юмшоқлиги, оқлиги, ишқаланишга – емирилишга мустаҳкамлиги ва бактерицид хусусияти билан пахта толалси матолардан ижобий фарқ қилади [3]. Бамбук толасини ишлаб чиқаришда ҳеч қайси кўринишдаги пестицидлардан фойдаланилмайди, пахта толасини ишлаб чиқаришда эса дунё бўйича ишлаб чиқариладиган пестицидларнинг 16%-и сарфланади. Бамбук табиий антисептик тола ҳисобланади, шунинг учун ҳам у бактерицид хоссага эгадир.

Аралаш толали мато таркибида турли толаларни бўлиши, улардан тайёрланадиган маҳсулотларни пардозлашнинг махсус технологияларини қўллашни тақозо этади. Бундай технология бир компонентли буюмларни пардозлаш қонуниятлари ва шароитлари асосида уларни хоссалари ва таркибидаги табиий ва йўлдош моддалар миқдорига ва турига боғлиқ равишда шакллантирилади. Тўқимачилик материалларини, шу жумладан пахта ва полиэфир толалари аралашмасили матоларни кимёвий пардозлаш технологиялари қатор илмий тадқиқотларда ўз аксини топган [4-6]. Аммо полиэфир ва бамбук толаси аралашмасили тўқимачилик материалларини бўяш-пардозлаш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Адабиётлар таҳлили. Полиэфир ва целлюлоза асосидаги толалар, шу жумладан пахта, вискоза, ацетат толалари аралашмасили тўқимачилик материалларини клава ип, газлама ва трикотаж полотноларини пардозлашга тайёрлаш, бўяш, уларга гул босиш ва якуний пардоз бериш жараёнларини олиб боришда узлукли, яримузлуксиз, узлуксиз усулларда, бир ёки икки босқичли технологиялари таклиф этилган. Бу технологияларда аралаш толали материалларни ишлатилиш соҳаси бўйича муқим оқликка, мустаҳкам ранг сифат кўрсаткичларига, талаб этилган хоссаларга (сув ўтказмаслик, ёнмаслик, ёғ ва кир юқтирмаслик ва б.) эришишда унинг физик-механик хоссаларини максимал даражада сақлаб қолиш асосий мақсад қилиб олинади. Аммо ўрганилган тадқиқотларда таркиби полиэфир ва бамбук толаларидан ташкил топган материалларни кимёвий пардозлашга аҳамият қаратилмаган. Таркибида полиэфир ва бамбук толалари бўлган материалларни бўяш ва уларга гул босиш уларнинг сорбцион-диффузион фаолликларини турлича бўлганлиги сабабли маълум қийинчилик ва муаммолар бор. Бамбук толаси ҳам пахта каби целлюлоза асосли бўлсада, молекуляр таркибининг ИҚ-спектроскопик ва микроскопик таҳлили уни вискоза каби целлюлоза II га мансублигини кўрсатган [7]. Демак, бу тола намлигида мустаҳкамлигини камайтиради, шунинг учун кимёвий пардозлаш жараёнларини «юмшоқ» шароитда олиб бориш талаб этилади. Бамбук толали материалларни кимёвий пардозлаш қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, улар томонидан матони бўяш жараёнидан олдин 45-60⁰С ҳароратда 50-60 дақиқа давомида таркибида -3 г/л ўювчи ишқор 1, 2-6 г/л водород пероксид, 1-1,5 г/л амилаза бўлган эритмада таркибидаги йўлдош моддалар ва охордан тозалаш таклиф этилган. Шунингдек, муаллифлар томонидан бамбук толали матони йўлдош моддалардан тозалаш учун иккинчи таркиб сифатида 9-10 г/л этилендиаминтетрасирка кислотанинг натрийли тузи (ЭДТА), 4-5 г/л натрий карбонат, 4-5 г/л матони муар эффектини олдини олиш учун махсус реагент, 14-15 г/л водород

пероксиддан ташкил топган эритмада бамбук толали матони қайнатиш орқали целлюлоза бўлмаган йўлдош моддалардан тозалаш технологияси ишлаб чиқилган. Ҳар иккала таркиб билан пардозлашга тайёрланган матони бўяш жараёни дастлаб этанол эритмасида (75%-матомассасига нисбатан) 20-30 дақиқа давомида хона ҳароатида ишлов беришдан бошланади. Сўнгра актив бўёвчи модда эритмасида 20-30 дақиқа давомида бўяш жараёни бошланади, кейин ҳарорат 90-95⁰С гача 30-60 дақиқа давомида кўтарилиб, шу ҳароратда 20-30 дақиқа давом эттирилади [8]. Бамбук толали матони актив бўёвчи моддалар билан бўяш жараёнида эритмага қўшиладиган электролит концентрацияси ва ишқорий агент табиати қўлланилаётган бўёвчи модда турига мос равишда танлаб олинади. Узлукли усулда бўяш жараёни 1:15 модулда 40⁰С ҳароратда 60 дақиқа давомида массага нисбатан 2% олинган бўёвчи модда эритмасида 50 г/л электролит ва массага нисбатан 5% ишқорий агент иштирокида олиб борилади [9]. Шунингдек, бамбук толали материалларни актив ва дисперс бўёвчи моддалар билан ҳам бўяш технологиялари маълум [10]. Аммо актив бўёвчи модда билан толали субстрат – целлюлоза макромолекуласи ўртасида борадиган ковалент боғланиш кучли ишқорий муҳитда ҳосил бўлишини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда бамбук толаларининг физик-механик хоссаларини ишқорий шароитда қандай ўзгариши бу тадқиқотларда келтирилмаган. Целлюлоза толаларини, жумладан гидратцеллюлоза, яъни вискоза толасини нейтрал ва кучсиз ишқорий муҳитда бўяш технологиялари ўрганилган бўлиб, уларда толанинг физик-механик пишиқлигини сақлаб қолишга, технологияларни ресурстежамкорлигини таъминлашга аҳамият қаратилган [11, 12].

Полиэфир толаларидан ташкил топган тўқимачилик материалларини дисперс бўёвчи модда билан бўяш тартиби ва таркиби соҳа бўйича чоп этилган адабиётларда маълум [15,16], аммо қўлланиладиган интенсификаторларнинг аксарияти заҳарли моддалиги, ҳамда бўяш жараёнини 130⁰С ҳароратда олиб борилиши маълум усулларнинг камчилиги ҳисобланади. Тадқиқотларда полиэфир ва бамбук толалари аралашмасили матони бўяш жараёни интенсификатори сифатида турли сирт фаол моддалардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди. Сирт фаол модда табиатининг мато ранг интенсивлиги ва унинг текислигига бўлган таъсирини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари 1 ва 2 диаграммаларда келтирилган.




1-диаграмма. Полиэфир ва бамбук толалари аралашмасили бўялган матоларнинг ранг текислигини (равонлигини) интенсификатор турига боғлиқлиги:

Ves TP 0918.
полигликол эфир.
Ves TP 0266.
натрий лаурилсульфат.
хлор триэтилбензил-аммоний.
бром триметилцетил-аммоний.
*Интенсификатор концентрацияси-3 г/л, давомийлик-60 мин., ҳарорат 100⁰С. Қийматлар аралаш толали мато намунасига таъллуқли.

Келтирилган диаграммада сирт фаол моддаларнинг катион тури (хлор триэтилбензил-аммоний, бром триметилцетил-аммоний) ишлатилинганда текис ранглар, анион (Ves TP 0918, натрий лаурилсульфат) ва ноионоген (полигликол эфир, Ves TP 0266) турларида эса норавон ранглар ҳосил бўлганлиги келтирилган. Бунга сабаб катион актив сирт фаол моддаларнинг (КСФМ) адсорбцион қатлами бўёвчи модда юзасида химоя пардасини ҳосил қилиб, дисперс бўёвчи моддани эритмада агрегатланишидан химоялайди. Диаграммада келтирилган қийматларга асосланган ҳолда полиэфир ва бамбук толалари арашмасили мато намуналарини дисперс ва бевосита бўёвчи моддалар билан бўяш учун интенсификатор сифатида КСФМ - хлор триэтилбензил-аммоний танланди.

Хлор триэтилбензил-аммоний, яъни тўртламчи аммоний тузлари мусбат заряди ҳисобига полимер структурасига кириб, толаларнинг бўкувчанлигини оширади. Бундай ҳолатда мономер молекуляр ҳолатдаги бўёвчи модда тола юзасига сорбланиб, кейин эркин ҳажм механизми бўйича тола структурасига диффузияланади [17]. Ўта кичик ғовакка эга бўлган гидрофоб полиэфир толасига фақат мономер молекуляр ҳолатдаги бўёвчи моддагина диффузияланганлиги натижасида намуналарнинг ранг равонлигига эришилади.



2-диаграмма. Полиэфир ва бамбук толалари аралашмасили бўялган матоларнинг ранг интенсивлигини интенсификатор турига боғлиқлиги.

1-Ves TP 0918, 2-полигликол эфир, 3-Ves TP 0266, 4-натрий лаурилсульфат, 5-хлор триэтилбензил-аммоний, 6-бром триметилцетил-аммоний. *Интенсификатор концентрацияси-3 г/л, давомийлик-60 мин., ҳарорат 100°C. а-аралаш толали мато; б-полиэфир толали мато; с-бамбук толали мато.

Анион актив сирт фаол моддалар (АСФМ) қўлланилганда барча толавий таркибдаги намуналарнинг ранг интенсивлигини КСФМ ларга нисбатан деярли 2 баробар кичик қийматга эга бўлган. Бунга сабаб бўяш эритмасида бир хил зарядланган ионларнинг ўзаро электростатик итарилиши ҳисобига бўёвчи модда ва тола макромолекуласи орасида молекулалараро боғланишларни вужудга келиши қийинлашади. КСФМ иштирокидаги эритмада диспергирланган бўёвчи модда ҳам ўзида мусбат заряд тутати. Маълумки оксил ва полиамид толаларидан ташқари барча толалар манфий зарядланади. Бўяш жараёни учун танланган интенсификатор фазалар чегарасида концентрланиб, фазалараро тортишишни камайтиради ва шу билан бўёвчи модданинг тола томон ҳаракатланишини таъминлаши ҳисобига намуналарда юқори ранг интенсивликларига эришилган.

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор матонинг иккинчи толавий компоненти – бамбук толасининг бўяш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилди. Бамбук толаси одатда икки хил усулда ишлаб чиқарилади. Механик усулда "bamboo linen" деб номланувчи тола ишлаб чиқарилади. Кимёвий усулда олинган бамбук толаси эса "bamboo viscose" ёки "bamboo rayon" деб аталади. Кимёвий усулда олинган бамбук толаси ўзининг кимёвий тузилиши бўйича вискоза толасига ўхшайди, вискоза толаси эса целлюлоза асосидаги бошқа толалардан фарқли ўлароқ ишқорий муҳитда мустаҳкамлигини бир қадар йўқотишини инобатга олган ҳолда аралаш толали матонинг бамбук ташкил этувчисини бевосита бўёвчи модда билан бўяш имконияти ўрганилди.

Бевосита бўёвчи моддалар синфида барча ранглар ва туслар мавжуд, уларнинг ишлатилиши ва олиниши қулай ҳамда арзондир. Шу сабабли, ранг мустаҳкамлиги ва равонлиги нисбатан паст бўлсада целлюлозали ва табиий ипак маҳсулотларини бўяшда қўп ишлатилади. Целлюлозали тола нейтрал ёки кучсиз ишқорий шароитда бўялганда юзаси бўяш эритмасида манфий зарядланади. Бўёвчи модда анионининг тола юзасига шимилиши учун у маълум потенциал ғовакни енгитиши лозим [18]. Бир хил зарядли ионларнинг итарилиши $10 \cdot 10^{-9}$ м масофага тарқалади. Молекулалараро ўзаро таъсир эса $4 \cdot 2 \cdot 10^{-10}$ м масофада бўлади. Шу сабабли бевосита бўёвчи модда электролит солилмаган бўяш эритмасидан толали субстратга жуда кам шимилади [крич]. Электролит бўёвчи модда иони $4 \cdot 2 \cdot 10^{-10}$ м масофага яқинлаша оладиган даражада тола юзасидаги қўш электр қатламни зичлаштиради. 1-жадвалда ранг сифат кўрсаткичларининг электролит концентрациясига боғлиқлиги келтирилган.

1-жадвал. Мато ранг сифат кўрсаткичларининг элетролит концентрациясига боғлиқлиги*

Электролит концентрацияси, г/л	Ранг интенсивлиги, K/S	Ранг мустаҳкамлиги, балл		
		ювишга	терга	ишқаланишга
-	8	5/5/5	5/4/4	5/4
1	33	4/3/3	4/4/3	3/3
2	38	3/3/3	3/3/3	3/3
3	35	4/3/3	3/3/3	3/3
4	28	4/3/4	4/3/3	4/3
5	26	4/3/4	4/3/3	4/3

*Келтирилган натижалар аралаш толали матонинг бамбук ташкил этувчисига таъллуқли. Бўёвчи модда концентрацияси мато массасига нисбатан-3%, натрий карбонат концентрацияси-2 г/л.

Жадвалда келтирилган маълумолар эритмада электролит концентрацияси ортиб бориши экстремал характерга эга бўлиб, ранг интенсивлиги натрий хлорид концентрацияси 2 г/л бўлганида ўзининг максимал қийматига эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Эритмада электролит концентрацияси ортиши билан бўёвчи модданинг эритмадаги агрегатланиши кучайиб, унинг диффузияланиши сусайиб, ранг интенсивлик пасайишига сабаб бўлган. Одатда бевосита бўёвчи модда билан целлюлоза толали материалларни бўяшда ранг интенсивлиги электролит концентрацияси 3-5 г/л бўлганида максимал қийматга эга бўлади. Ушбу тадқиқотларда бўяш эритмаси бевосита бўёвчи модда билан бир қаторда дисперс бўёвчи модда ва унинг интенсификатори – КСФМ дан ташкил топган. Интенсификатор таъсирида мусбат зарядга эга бўлган дисперс бўёвчи модда манфий зарядланган бамбук толаси юзасига сорбланиб, унинг қўш диффуз қатламини сиқиши ҳисобига бир хил зарядланган бевосита бўёвчи модда аниони ва толанинг гидроксил гуруҳларини бир-бирига эркин яқинлашгани ҳисобига эритмадаги электролит концентрациясини 2 маротабагача камайишига эришилди. Ранг интенсивлигини ортиб бориши билан унга тескари пропорционалликда ранг мустаҳкамлиги паст қийматларга эга бўлди.

Бевосита бўёвчи моддаларнинг тола ичига диффузиясини ошириш мақсадида бўяш эритмасига тола бўкувчанлигини оширувчи модда қўшилади, масалан, натрий карбонат ва бошқалар. 2-жадвалда ишқорий агент концентрациясининг аралаш толали матонинг ранг сифат кўрсаткичларига бўлган таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

2-жадвал. Мато ранг сифат кўрсаткичларининг натрий карбонат концентрациясига боғлиқлиги*

Натрий карбонат концентрацияси, г/л	Ранг интенсивлиги, K/S	Ранг мустаҳкамлиги, балл		
		ювишга	терга	ишқаланишга
-	36	4/3/3	3/3/3	3/3
1	36	4/3/3	3/3/3	3/3
2	38	3/3/3	3/3/3	3/3
3	38	3/3/3	3/3/3	3/3
4	38	3/3/3	3/3/3	3/3

*Келтирилган натижалар аралаш толали матонинг бамбук ташкил этувчисига таъллуқли. Электролит концентрацияси-2 г/л. Бўёвчи модда концентрацияси мато массасига нисбатан-3%.

Ранг интенсивлигига ишқорий агентнинг таъсири деярли сезилмаганлиги бўяшнинг биринчи босқичида аралаш толали матони дисперс бўёвчи модда билан полиэфир ташкил этувчисини 60-90 дақиқа давомида юқори ҳароратда олиб борилганда бамбук тола ғовакларини етарли даражада катталашгани билан тушунтирилиши мумкин. Яъни, тола ғоваклари ўлчамини чексиз катталаштириш имкони йўқ, тола ғоваклари $10-30 \cdot 10^{-10}$ м

ўлчамда бўлиб, бевосита бўёвчи моддаларнинг $12 \cdot 20 \cdot 10^{-10}$ м ўлчамдаги молекулалари тола ғовакларига кира оладиган даражада катталашган. Эритмадаги сирт фаол модда ҳам бевосита бўёвчи моддани энергетик кўрсаткичларни енгиб ўтишига ижобий таъсир кўрсатган. Ундан ташқари юқори ҳароратда бевосита бўёвчи модданинг целлюлоза толасига мойиллиги сусаяди ва унинг тола ичига диффузия тезлиги ошади.

Бўёвчи модда ўзининг полидисперс эритмасидан тола ғовакларига мономолекула ёки моноион ҳолида диффузияланади, натижада эритмадаги мувозанат бузилади ва катта агрегатлар парчаланади, яъни тола бўйаш эритмасида ўзига хос молекуляр элак бўлиб, сирт фаол модда-майдаловчи бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотларда бўёвчи модда концентрациясининг матонинг ранг сифатига бўлган таъсири ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал.

**Мато ранг сифат кўрсаткичларининг бевосита бўёвчи модда
концентрациясига боғлиқлиги***

Бўёвчи модда концентрацияси, % массага нисбатан	Ранг интенсивлиги, K/S	Ранг мустаҳкамлиги, балл		
		ювишга	терга	ишқаланишга
0,5	5	5/5/5	5/5/5	5/5
1	12	5/5/5	5/4/4	5/4
2	25	4/3/4	4/3/3	4/3
3	38	3/3/3	3/3/3	3/3
4	42	3/3/3	3/3/3	3/3
5	43	3/3/3	3/3/3	3/3

*Келтирилган натижалар аралаш толали матонинг бамбук ташкил этувчисига таъллуқли.


